

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Мусурмонов Жамшид Илашович

Qo'mondon o'rinbosari

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ

Abstract. In this article, the experience of some foreign countries in ensuring food safety in the new Uzbekistan is studied and the necessary proposals and recommendations are given for the application of this experience in Uzbekistan.

Key words: agriculture, economic security, food security, food aid program, eco-enterprise, cost, territory, climate, net product.

Аннотация. В данной статье изучен опыт некоторых зарубежных стран по обеспечению безопасности пищевых продуктов в новом Узбекистане и даны необходимые предложения и рекомендации по применению этого опыта в Узбекистане.

Ключевые слова: сельское хозяйство, экономическая безопасность, продовольственная безопасность, программа продовольственной помощи, экопредприятие, стоимость, территория, климат, чистый продукт.

Аннотация. Ушбу мақолада янги Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги айрим хорижий давлатларнинг тажрибаси ўрганиб чиқилган ҳамда ушбу тажрибаларни Ўзбекистонда қўллаш бўйича зарур таклиф ва тавсиялар бериб ўтилган.

Калит сўзлар: кишлок хўжалиги, иқтисодий хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги, озиқ-овқат ёрдами дастури, эко-корхона, таннарх, худуд, иқлим, соф маҳсулот.

Ҳозирги вақтда иқлимнинг кескин ўзгариши оқибатида юзага келаётган табиий офатлар, замирида ерларни суғориш учун сув танқислиги (курғоқчилик) каби ҳолатларнинг юз бериши натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни қийинлаштирмоқда.

Натижада дунё озиқ-овқат бозорларида нарх-навонинг ошиши кузатилмоқда. Шу билан бир қаторда, дунё ҳамжамиятида 2008 йилда бошланиб, ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур муаммонинг кескин тус олишига сабаб бўлиб келмоқда. Бу эса ўз ўрнида иқтисодиётнинг пасийиши билан бирга аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган танқислигининг ортишига олиб келади. Фикримизнинг яққол далилини қуйидаги маълумотларда кўришимиз мумкин. Дунёнинг 54 мамлакатада оилаларнинг моддий аҳволи

даражасининг пасайиши кузатилгани, 20 дан ортиқ давлат аҳолисининг асосий қисми очликдан азият чекаётганлиги, 12 та мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси қисқаргани, дунё аҳолисининг 840 миллиондан ортиғи очликдан азият чекаётганлиги бунинг яққол исботидир [1]. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда барча мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига катта аҳамият берилади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг илк йиллардан бошлаб озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида етакчи ўринларда туради. Ҳозирги кунда аҳолининг турмуш фаровонлиги ва сифатини янада яхшилаш, шу билан бир қаторда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш масалалари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси билан боғлиқ. Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлардан кўзланган мақсад – нафақат иқтисодий фойда кўриш балки, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини яхшилашдан иборатдир. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда «2019-2024 йилларда мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш миллий Дастури»ни қабул қилиши керак»[2], деган фикрлари бежизга эмас. Шу боисдан, Юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш, хавфсизликни таъминлашда ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш ҳамда улардан мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш зарурати ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради. Тадқиқотнинг мақсади хорижий мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга оид тажрибаларини ўрганган ҳолда уларни Ўзбекистонда қўллашга доир бўлган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш. Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида назарий илмий малакаларни жамлаш, таҳлил ва синтез, статистик таҳлил, солиштириш, ҳолисона баҳолаш методларидан фойдаланиш кўзда тутилган. Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хавфсизлигини таъминлаш борасидаги Канада, Европа Иттифоқи, АҚШ, Япония каби ривожланган хорижий мамлакатларда бажарилган тадбирлар ҳамда бу борада эришилган натижалар таққослама жиҳатдан таҳлил қилинган, шунингдек уларнинг илғор тажрибаларидан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича муаллифнинг таклифлари ишлаб чиқилган;

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида катта муваффақиятга эришган Хитой Халқ Республикаси тажрибаси ўрганилиб, уни Ўзбекистонда

жориш қилиш ва фойдаланиш бўйича таклифлар келтирилган. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муваффақиятга эришган ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада айниқса Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) нинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тажрибаси ва механизми эътиборга сазовардир.

АҚШнинг 2019 йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулоти 21,439 миллиард долларни, ЯИМдаги улуш эса 2,1%ни ташкил этган. Бинобарин, мамлакат иқтисодиётида банд бўлган 161 миллион кишидан атиги 2,01 миллион нафаригина (умумий банд бўлган аҳолининг 0,8%) қишлоқ хўжалигида банддир [3]. АҚШда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалигини ривожтиришни қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда трансфертлар ажратилади. Jason & Partners Consulting томонидан олиб борилган таҳлилларига назар ташласак, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашга учун йўналтирилган маблағларнинг ҳажми кейинги йилларда 2001 йилга қараганда озгина камайганига қарамасдан, 2015 йилга келиб ўсиш тенденциясига қайтадан эга бўлди. Масалан Россияга нисбатан АҚШ ва ЕИ (Европа Иттифоқи) қишлоқ хўжалигига йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми 6-8 баробардан кўп. Ривожланган қуйидаги мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги ер майдонлари умумий ҳудуди Хитойда 54,81%ини, Германияда 47,91%ини, Ҳиндистонда 60,64%ини АҚШда 44,32%ини ташкил этгани ҳолда Россияда 13,24%ни ташкил этади. 2015 йилда 2001 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги ер майдонлари Россияда 0,16%га, АҚШда 2,16%га ва Ҳиндистонда 0,38%га қисқарди [1]. Малакатимизда эса ушбу кўрсаткич 59,1%ни ташкил этади. Аммо суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари мамлакат умумий ҳудудининг 8,3%ини, умумий қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг 14,6%ини ташкил этади. 2017 йилда 1991 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги умумий ер майдонлари 10%га, суғориладиган ер майдонлари эса 3%га қисқарди [2]. Қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг қисқариб бориши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласини долзарб бўлишига сабаб бўлди. Шу муносабат билан АҚШда «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Унга кўра иқтисодиётнинг стратегик муҳим тармоғи деб қишлоқ хўжалиги белгиланди.

Кейинги вақтларда АҚШда қишлоқ хўжалигида йирик ишлаб чиқаришни ривожлантириш давлат томонидан қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Оилавий фермер хўжаликларини субсидиялаш, жамиятда ижтимоий барқарорликни сақлаш назарда тутилган. Бунинг натижасида 201 гектар йирик мол фермалари, йирик ўсимчилик фермер хўжаликлариники эса 201 гектарга яқинини ташкил этмоқда. Умумий қишлоқ хўжалиги

ташкilotларининг атиги 8%ини ташкил этувчи йирик хўжаликлари ҳисобига кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 65%и тўғри келмоқда [3]. АҚШда кишлоқ хўжалигининг экспортга йўналтирилган, бунда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини субсидиялаштириш тадбирлари ҳамда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишни амалга оширилмоқда. АҚШ ички ишлаб чиқариш ҳисобига нафақат озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қоплаш, балки дунёда уни экспорт қилишда етакчилиқни қўлга киритган. АҚШда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида соғлом ҳаёт тарзи дастурлари ва оқилона рационал овқатланиш ҳамда кам таъминланган аҳолини, болалар, нафақахўрларни озиқ-овқатлар билан таъминлашга қаратилган ижтимоий дастурлар амалга оширилади. Мамлакатда ҳар йили 37-42 миллиард доллар маблағ аҳолига озиқ-овқат ёрдами дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилади (1-жадвал).

1-жадвал. АҚШда озиқ-овқат дастурлари.

дастур	тавсифи	шаклланиш принциплари
Кўшимча озиқ-овқат ёрдами дастури	Барча федерал озиқ-овқат дастурлари умумий бюджетининг 72%и, 68,3 миллиард доллар йўналтирилади	Озиқ-овқат ёрдами пластик карталари номли дебетларига маблағ йўллаш. Тўловларни автоматик ҳисобга олишнинг ихтисослашган тизими
Текин ва имтиёзли мактаб нонушталари, тушликлари дастури	13,7 миллиард долл., 43 миллион болалар қамраб олинган	Молиялаштириш мактаб нонушта ва тушликларига озиқ-овқатлар хариди учун тўғридан-тўғри пулли субсидиялар бериш орқали амалга оширилади
Ҳомиладор ва 5 ёшгача болалари бор бўлган аёллар учун кўшимча овқатланиш дастурлари	6,7 миллиард доллар, 9 миллион болалар қамраб олинган	Молиялаштириш федерал грантлар шаклида амалга оширилади

Олимларнинг таъкидлашича “озиқ-овқат ёрдами дастурлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида катта аҳамият касб этшган. 2009 йил март ойида озиқ-овқат талонларидан 33,1 миллион киши фойдаланди. Бу 2009 йил февраль ойига нисбатан 600 минг кишига кўпроқдир. Июнь ойи бошларига келиб ҳар тўққизинчи америкалик озиқ-овқат талонлари асосида маҳсулот олишга эришди. Ўртача бир ойда ҳар бир озиқ-овқат талонлари дастури иштирокчисига 114 доллар тўғри келди. АҚШ Конгресси томонидан дастурларни молиялаштириш учун 2009 йилда 54 миллиард, 2010 йилда 60 миллиард доллар” маблағ ажратилган [2].

Канаданинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тажрибаси ҳам алоҳида эътибор касб этади. Статистик маълумотларга таянадиган бўлсак “2016 йилдаги дунё мамлакатларининг озиқ-овқат хавфсизлиги рейтингида

Канада 7-ўринни” эгаллаган. 1998 йилда эса «Канаданинг озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги ҳаракатлар режаси» ишлаб чиқилиб, ҳозирги кунгача ундан фойдаланиб келинмоқда. Ишлаб чиқилган ушбу режа озиқ-овқат таъминотининг ўсиши аҳоли турмуш даражасини яхшилашнинг муҳим омили, деган ғояга асосланган. Режага мувофиқ жаҳон ҳамжамиятининг фаолиятида давлат ва жамоат ташкилотлари (идоралари) нинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун иштирок этишининг аниқ чора-тадбирлари белгилаб берилган [3]. Канадада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарблиги куйидагича изоҳланади. Канада аҳолисининг 10%и (3 миллиондан ортиқ киши) паст даражада даромад олади. Шунингдек, 6 ёшгача боласи бўлган ҳар ўнинчи оилалар етарли даражада озиқ-овқат билан таъминланмаган. Оилалар сонининг 8% га яқини (800 мингта оила) озиқ-овқат хавфсизлиги даражасидан паст даражада яшайди. Аҳолининг 2/3 қисми вазн бўйича муаммоларга эга.

Мамлакатнинг катта қисми узок, бориш қийин бўлган ҳудудларда истиқомат қилишади ҳамда соғлом ва қиммат бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларини олиш имконияти уларда мавжуд эмас [4]. Шу муносабат билан Канада давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири мамлакатнинг Арктика ва шимолидаги ҳудудларидаги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни қўллаб-қувватлашдан иборат. Манбаларга кўра 2007 йилда ҳукумат «Канаданинг шимолий стратегияси» номли беш йиллик Дастур қабул қилиб амалга оширган. Дастурга кўра узокда жойлашган аҳоли озиқ-овқат буюртмалари учун давлат субсидиялари берилган.

Ушбу имтиёздан мамлакатнинг Шимолий-ғарбий, Юкон, Нунавит вилоятлари ҳамда мамлакатнинг шимолий қисмидаги аҳоли пунктларида яшовчилар фойдаланади [5]. Канадада ойига 900 доллардан кам даромад олувчи кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида солиқлардан озод қилинган [6]. Бу эса ўз навбатида уларни озиқ-овқат билан таъминланишларига катта имконият яратилади. Таъкидлаш жоизки Канада гуманитар ва халқаро ёрдамнинг фаол иштирокчиси ҳисобланиб, гуманитар ёрдам пакети федерал бюджетдан бериладиган ёрдамни режалаштириш дастаги ҳисобланади. Канаданинг ривожланаётган ва камбағал мамлакатларга юбораётган халқаро ёрдамнинг ҳажми ҳозирги даврда йилига 5 миллиард долларни ташкил этади [1].

Европа Иттифоқидаги мамлакатлар аграр сиёсатининг бош мақсади ички озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Бу стратегия ўтган асрларда бошланган. 1950-йиллардан 1970-йилларгача бўлган даврда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига техника харид қилиш, қурилиш ва қайта

жиҳозлаш мақсадида Ғарбий Европа мамлакатларига тўғридан-тўғри субсидиялаш амалга оширилган. Бунинг натижасида озиқ-овқат билан тўлиқ таъминланишга эришилган. Ҳозирда аграр сиёсат хавфсизлик тизимини такомиллаштириш ҳамда келгусида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этишга йўналтирилгандир. Европа Иттифоқининг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан, унинг етакчиларидан бири бўлган Германияда озиқ-овқат қонунчилигига доир 200 дан ортиқ қарорлар ва қонунларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳаммаси юқорида келтирилган мақсадларга эришишга йўналтирилгандир. Таъкидлаш жоизки, Европа Иттифоқи мамлакатларида экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилмоқда. Шунинг учун экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эко-корхоналар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, Германияда 1995-2014 йилларда эко-корхоналар сони 6,6 мингтадан 23 мингтага, уларнинг экин майдонлари ҳажми 310 минг гектардан 1 миллион гектарга ўсган [3].

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида экстремал вазиятларда (ҳосил олинмаган, бошқа мамлакатлардан озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилиши тўхтаб қолган ва ҳ.к.), озиқ-овқат захираларини вужудга келтириш, озиқ-овқат билан ўз-ўзини таъминлаш даражасини ошириш, хўжаликларни мустаҳкамлаш йўли билан маҳсулотлар таннархини пасайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини ўрта ва узоқ муддатли истиқболда Ғарбий, Европа мамлакатлари даражасигача пасайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Маҳсулотларнинг таннархи ҳар йили ўртача 10%дан ошиб боради. Суғориладиган экин майдонларининг ошиб бориши, иқлим ўзгаришлари ва айрим ҳудудларда қурғоқчиликларнинг содир бўлиши суғориш долзарблигини келтириб чиқаради. Бунга монанд ҳудудларда сувни тежаш бўйича махсус дастурлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кўпайтириш ва ўсиш суръатларини такомиллаштириш, юксак ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишда хорижий мамлакатларнинг қуйидаги тажрибаларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир:

АҚШнинг қишлоқ хўжалиги йирик ишлаб чиқаришни, оилавий фермер хўжаликларини ривожлантириш учун субсидиялаш тажрибасидан мамлакатимизда агросаноат корпорацияларини ташкил этиш, кўп тармоқли фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни, қишлоқ хўжалиги кластерлари жорий қилиш лозим; – АҚШда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ижтимоий кам

таъминланган қатламни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ижтимоий дастурлар ҳамда соғлом ҳаёт тарзи ва оқилона рационал овқатланиш дастурлари тажрибасидан фойдаланиш, юртимизда ҳам шу каби ижтимоий дастурлар тузиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, янги туғилган чақалоқларни 3 ёшга етгунларига қадар сут маҳсулотлари билан бепул таъминлаш тадбирларини тиклаш мақсадга мувофиқдир;

Канаданинг мамлакатнинг Арктика ва шимолида ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш учун республикамизнинг узоқ, бориш қийин бўлган ҳудудларидаги аҳолини озиқ-овқат билан барқарор таъминлашда қўллаш мумкин;

Германияда анъанавий ишлаб чиқариш усулидан органик усулга ўтиш даврида экокорхоналарга махсус муқофот (субсидия) бериш тажрибасини Ўзбекистонда жорий этиш, эко-корхоналар ташкил этиш лозим;

АҚШнинг «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни ва уларни амалга ошириш тажрибасидан Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунини ишлаб чиқишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь.

2. Абзалбек М.С. Мировой опыт обеспечения продовольственной безопасности и его использование в Казахстане. // Московский экономический журнал, 2017, №1.

3. Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йўналишлари. Монография. - Т.: «Fan va texnologiya», 2017.

4. Крылатых Э.Н., Мазлова В.З., Межонова Н.В. Национальная экономика: обеспечение продовольственной безопасности в условиях интеграции. Монография. - М.: НИЦ «ИНФРА-М», 2016.

5. Продовольственная и сельскохозяйственная организация ООН (ФАО): официальный сайт. – Режим доступа: <http://www.fao.org> (дата обращения: 28.10.2018).

6. Строков С.Н. Механизмы обеспечения внутренней продовольственной безопасности Канады. // Никоновские чтения, 2014, №19. -С.331-332.

7. Терёшкина А.В. Зарубежный опыт обеспечения продовольственной безопасности. - Режим доступа. <http://nauka-rastudent.ru/27/3252>

8. Ускова Т.В. Продовольственная безопасность региона. // <https://econ.wikireading.ru/4505>.

9. Экономическая безопасность: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальностям экономики и управления. / [В.А. Богомолов и др.]; под ред. В.А.Богомолова, 2-изд., перраб. и доп. - М.: «Юнити-ДАНА», 2009.

10. Сельское хозяйство (мировой Рынок). / Jason & Partners Consulting //http://www.tadviser.ru/index.php.

11. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси маълумотлари; Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. - Т., 2017.

12. Н.И.Саидахмедова. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ва уларни Ўзбекистонда фойдаланиш йўллари. – Т., 2019 йил.